

Давс аёллари Зул-Халаса атрофида ликилламагунча Қиёмат қойим бўлмайди



Давс аёллари Зул-Халаса атрофида ликилламагунча Қиёмат қойим бўлмайди

Мўминларга эслатма

16:20 / 26 август 2877

نَا هُنَّ عُلَّالٌ اِيضًا سَنَانٌ نَع
يَلَصُّ هَلْ لَوْ سَرَّ لَأَسَّ الْجَر
يَتَمُّ مَلَسًا وَهِيَ لَعُ هَلْ ل
مَالُغٌ هَذَا نَعُو؟ عَسَّ لَأَمْ وَقَات
دَمَّ حُمُّ هَلْ لَأَقِي رَأْسُنَا لَأَمْ
يَلَصُّ هَلْ لَأَوْ سَرَّ لَأَقِف
شَعْيُ نَا» مَلَسًا وَهِيَ لَعُ هَلْ ل

هُكَرْدِي آلَا يَسَعَفُ مَالُ غُلَا آدَه
«دَعَّاسَلَا مَوْقَتِ يَّتَحُّ مَرَهَلَا
مَلْسُمُ هَاوَرُ».

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ алайҳиссаломдан «Қиёмат қачон қоим бўлади?» деб сўради. У зотнинг ҳузурларида Муҳаммад деган ёш ансорий бола турган эди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «**Агар мана шу бола яшаб турса, эҳтимолки, у қаримай туриб, Қиёмат қойим бўлиши мумкин**», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Бунда ҳам Қиёмат қойим бўлиши жуда яқинлигига аломат бор, яъни «Ким билади, эҳтимол шу бола қаримай туриб ҳам Қиёмат бўлиб қолиши мумкин», деган маъно бор.

هُلَلَا يَضَرَّ دَرِيْرَه يَبَا نَع
هُلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَع هُنَع
مَوْقَتِ آلَا «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
لُجْرَلَا رُمِّي يَّتَحُّ دَعَّاسَلَا
أَيُّ لُوقِي فِلُجْرَلَا رَبَقِب
هَاوَرُ. «هُنَاكَم يَنْتِيَلُ»

بِنَاخِي شَلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир киши бир кишининг қабри ёнидан ўтаётиб, «Қанийди унинг ўрнида мен бўлсам», демагунича Қиёмат қойим бўлмайди», дедилар».**

Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бундан Қиёмат яқин қолганда одамлар ер юзидаги бузғунчиликлардан бешиб, ернинг остини устидан, ўлимни ҳаётдан афзал кўриб қолишлари келиб чиқади.

هَلَلَا يَلَصَّيْبِنَلَا نَعُهُ نَعَو
مُوقَاتِ أَلَا «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
نَمُرَانَجُخَتْ يَّتَحُّعَاسَلَا
قَانُعَأُيَضُتَزَاخَلَا ضَرَأُ
هَأَوْر. «يَرُصُّبِلِبِلَا
يِذِمَّرْتَلَاوِنَاخِي شَلَا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳижоз юртидан бир олов чиқиб, Бусродаги туянинг бўйнини ёритмагунича Қиёмат қойим бўлмайди», дедилар».**

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бусро – Димашқ яқинидаги шаҳарнинг номи бўлиб, Ҳаврон деб ҳам аталади (Макка билан Бусронинг ораси тахминан 1200–1300 километр).

هُلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَعُ هُنَعُو
مُوقَاتِ أَلِ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَعِ
بِرَطُضَاتِ يَّتَحُّ عَاسَلَا
يَذَلُّوْحٍ سَوَدٍ ءَأَسُنُّ تَأَيَلَا
أَمَنْ صُتَنْ أَكَّو - ةَصَلَّخُ لَا
ةَيْلَهَاجُ لَا يِفُّ سَوَدٍ أُهُدْبَعَتِ
بِنَاخِيَّ شَلَا هَاوَرِ . «ةَلَّأَبَاتِبِ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Давс аёллари Зул-Халаса атрофида ликилламагунча Қиёмат қойим бўлмайди**», дедилар.

У – Таболадаги давсликлар ибодат қиладиган санам эди».

Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Табола – Ямандаги бир жойнинг номи. Бундан Қиёмат яқинлашганда арабларда, хусусан, Давс қабиласида яна бутпарастликка қайтиш содир бўлиши келиб чиқади.

لِيْلِلْ أَبَاهُ دِي « مِلْسُ مِلْو
تَالِلْ دَبْعُتْ يَّتَحُّ رَاهُ نِلْ أَوْ
أَيُّ شَيْءٍ أَعْتَلَّاقَفُ ، « يُّزْعُلْ أَوْ
نِيحُ نُّظَا تُنْكَ هِلْ لْ أَوْ سَر

وَدِينِ بِالْمُهْدَى رَسُولُهُ، أَرْسَلَ الَّذِي هُوَ □ : هِلْ لْ لَزْنًا

كِلْ ذَنْنًا □ الْمَشْرُكُونَ كَرَهُ وَلَوْ كَلَّمَهُ الدِّينِ عَلَى لِيْظَهْرَهُ وَالْحَقِّ

نَمْ نُوْكَ يَسُّ هُنَّا □ : لَاقِ ، أَمَّات
تَعْبِيٌّ مُتُّ هِلْ لْ أَوْ شِ أَمْ كِلْ ذ
يُّفَوْتَفَّ ةَّبِيَّ طَ أَحْيِرُ هِلْ لْ أ
لَاقِ ثِمَ هِبْلَقِ يُّفُ نَمْ لُ ك
نَ أَمْ يُّ نَمْ لَ دَرَخِ ةَّبَح

هَيَفَ رِيخَ آلَ نَمِ يَ قُبَيِّفِ
«مِهِيَّ أَبَانِي دِي لِي نُوَعَجَرِي فِ

Муслим ривоятида:

«У зот: «Лот ва Уззога ибодат қилинмагунча кеча-кундуз йўқолмайди», дедилар. Шунда Оиша: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ «У - гарчи мушриклар ёқтирмаса ҳам, Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан, уни барча динлардан устун қилиш учун юборган Зотдир» [1] оятини нозил қилганда ўшани батамом деб ўйлаган эдим», деди. У зот: «Аллоҳ ёзиб қўйган ишлар бўлади. Кейин Аллоҳ бир яхши шамолни юборади. У қалбида ачитқи уруғи оғирлигича иймони бор барчани вафот эттиради, шунда асло яхшилиги йўқ кимсалар қолиб, ота-боболарининг динига қайтиб кетишади», дедилар».

هُلَلَا يَلِصَّ يَبْنَلَا نَعُهُ نَعَوُ
كِشَوِي» : لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَعِ
زُنَكَ نَعِ رَسْحِي نَأْتَارْفُلَا
أَلْفُهُ رَضَحُ نَمَفِي بَهَذُ نَمِ
هُ أَوْرُ . «أَيُّ يَشُهُ نَمِ دُخْ أَيُّ
ةَ عَبْرَالَا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Келажакда Фурот ўзининг тилла дафиналарини очади. Ким бунга ҳозир бўлса, ундан бирор нарсани

ола олмайди», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Фурот – Ироқдаги машҳур дарёнинг номи. Имом Муслим келтирган ривоятда «**Фурот тилла тоғни очмағунича Қиёмат қойим бўлмайди. Одамлар унинг учун уруш қилишади, ҳар юзтадан тўқсон тўққизтаси ўлдирилади. Улардан ҳар бир киши «Қанийди нажот топган мен бўлсам», дейди», дейилган.**

Бу икки ривоят бир-бирини тўлдириб келган.

هُلِّلَا يُلِّصِي بِنَلَا نَعُهُ نَعَو
ءِيَقَتَ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
لَأَثْمَ أَهْدِبَكَ ذَالْفَأْضُرَّالْ
بَهُذَلَا نَمِنَاوُطُسُّالْ
ءِيَجَيَفَ «: لَأَقِ، «هُضْفُلْأَوْ
لُثِمِ يِفُ: لُوقَيَفُ قُرَّاسِلْ
ءِيَجَيَوِ، يَدَيُتَعَطُقْأَدَه
أَدَه يِفُ: لُوقَيَفُ لُتَأَقُلْ
عَطَأَقُلْءِيَجَيَوِ، تُتَلَّتَقِ

تُعْطِقُ آدَهٗ يَفِ لُوقَيَّ فِ
الْفُ هَنُوعَدَيَّ مَثِ يَمَحَرَ
هَاور. «أَيُّيَشِ هَنَمَ نَوْدُخِ أَيُّ
مَلْسُمَوِي ذِمَّرْتَلَا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ер ўз бағридаги тилла ва кумуш устунлардек нарсаларни қайт қилади. Ўғри келиб, «Худди шунга ўхшаш нарса учун қўлим кесилган эди», дейди. Қотил келиб, «Мана шунинг учун одам ўлдирган эдим», дейди. Силаи раҳмни узган одам келиб, «Шуни деб силаи раҳмни узган эдим», дейди. Сўнгра уни ташлаб кетишади, ундан бирон нарса олишмайди».

Термизий ва Муслим ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, Қиёмат яқин қолганда нафақат Фурот дарёси, балки бутун дунёдаги бойликлар сочилиб ётса ҳам, уларни оладиган одам топилмай қолар экан.

يَضَرُّ كِلَامَ نُبِ فَوْعُ نَع
يَبْنُلَا تُيَتَا: لَأَقُ هَنَعُ هَلَلَا
يَفَمَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَص
مَدَا نَمِ هَبُقِ يَفَكُ وَبَتِ هَوَزَغ

يَدَي نَيَب اَتِس دُذَعَا « : لاقَف
حَتَف مُث يِتْوَم : ذَعَا س ل ا
نَات وُم مُث س ذُق م ل ا ت ي ب
م نَع ل ا ص اَعُق ك م ك ي ف دُخ ا ي
ي تَح ل ا م ل ا ؤ ض ا ف ت س ا مُث
ر ا ن ي د ؤ ئ ا م ل ج ر ل ا ي ط ع ي
ا ل ؤ ن ت ف مُث ا ط خ ا س ل ظ ي ف
ا ل ا ب ر ع ل ا ن م ت ي ب ي ق ب ي
ن و ك ت ؤ ن د ه مُث ه ت ل خ د
ي ن ب ن ي ب و م ك ن ي ب
ن و ر د ع ي ف ر ف ص ا ل ا
ن ي ن ا م ت ت ح ت م ك ن و ت ا ي ف
ا ن ث ا ؤ ي ا غ ل ك ت ح ت ؤ ي ا غ

«يُرَاخُ بُلَا هَاوَر .» أَفْ لَأ رَشَع

Афв ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Табук ғазотида Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига, теридан қилинган чодир остига келдим. У зот шундай дедилар: **«Қиёматдан олдин бўладиган олти нарсани билиб ол: менинг вафотим; сўнг Байтул-Мақдиснинг фатҳ қилиниши; сўнг сизларга қўйнинг бошига тушадиган қурт каби қуртлар келиши; сўнг мол-дунё кўпайиб, бир кишига юз динор берилса ҳам норози бўлавериши; сўнг арабларнинг бирорта уйи қолмай кирадиган фитна; сўнг сизлар билан Бану Асфар ўртасида тузиладиган сулҳ: улар сизларга хиёнат қилиб, саксонта байроқ остида устингизга бостириб келишади, ҳар бир байроқ остида ўн икки минг киши бўлади».**

Бухорий ривоят қилган.

هُلَلَا يَضَرَّ عَزِيْرُهُ يَبَا نَع
هُلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَع هُنَع
مُوقَات آل «: لَأَقَ مَلَسَوِ هِيَلَع
نَم لُجَرَ جُرْخِي يَّتَحُّ عَاسَلَا
سَانَلَا قُوسَي نَأطَحَق
بِنَاخِي شَلَا هَاوَر .» هَاَصَعَب

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қаҳтондан ҳассаси билан одамларни ҳайдаб юрадиган бир одам чиқмагунича Қиёмат қойим**

бўлмайди», дедилар».

Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Қаҳтон – Ямандаги бир шаҳар.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан

[1] Соф сураси, 9-оят.